
Қарор ижроси муҳокама этилди

Тошлоқ тумани ҳокимлиги мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрь кунги “2020-2022 йилларда Тошлоқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 572-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев, бошқарма бошлиқлари, тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.Йиғилишда туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев сўзга чиқиб олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бериб ўтди.Шундан сўнг, ҳар бир бошқарма бошлиқларининг ахборотлари эшитилди. Муҳокамалардан сўнг, ташкилот ва корхоналарга ўзларига бириктирилган вазифаларни тез ва сифатли, ўз муддатидан кечиктирмаган ҳолатда бажаришлари бўйича топшириқ ҳамда кўрсатмалар берилди.

2020-10-22 18:51:39